Шарқ юлдузи

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ
АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОЙНОМАСИ

5 '1991

60-йил чиқиши

Бош муҳаррир:
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Неъмат АМИНОВ
Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул котиб)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдулла Улуғов

ОШКОРАЛИК ОЧГАН ИМКОНЛАР

Қайта қуриш очган ошкоралик ҳаммаёқни ахборотлар бўронига кўмиб ташлади. Бу хабарлар шу даражада ранг-барангки, уларни илгарилари хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Ошкоралик шарофати билан халқимиз тарихи, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий қиёфаси ҳақида рўй-рост гапирилмоқда.

Хўш, шундай бурилишлар даврида адабиётимизда, хусусан, насримизда қандай ўзгаришлар рўй бераяпти? У дунёқарашимиздаги янгиланишларга мос тарзда ҳаётни акс эттиряптими? Бадиий асарларда ошкоралик очган имконлар ҳақиқий бадиий-фалсафийликка йўғрилиб намоён бўлаяптими? Бу хил саволлар, табиийки, ҳар қандай кишини қизиқтиради.

Эътироф этиш мумкинки, ошкораликнинг ҳақиқат ва адолатга йўғрилган руҳи, у очган имконларнинг ижобий таъсири насримизда аста-секинлик билан бўлса-да, бўй кўрсатиб бораётир. Бу ҳаёт ҳодисаларини ўз қарама-қаршиликлари билан акс эттиришга, инсон қалбини мураккаб, зиддиятли кечинмалар ичида кўрсатишга уринишларда намоён бўлмоқда. Киши дилида рўй берадиган турфа хил ғалаёнлар жараёни, айтайлик, Ш. Холмирзаев, Х. Султонов, Э. Аъзамов, Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқул ҳикояларида аниқ-тиниқ берилаётгани адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Ёки Ҳабибулло Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари» деб номланган қиссасида ҳужжатлар, далиллар тилга кириб, адолат ҳақида сўзлади, ҳақиқатни ошкор этди. Асар узоқ йиллардан буён эл орасида турли-туман шакл-шамойилда кезиб келган миш-мишларга ойдинлик киритди. Хуллас, ошкоралик очган имконлар туфайли адабиётимизнинг мавзу майдони кенгайиб бораётганини эътироф қилмасдан бўлмайди. Чунончи, насримиз, эндиликда аввалларги тақиқлаб келинган доиралар чегарасини дадиллик билан бузиб ўта бошлади. Хусусан, у энг масъул мартабалардаги раҳбарларни ҳам ўз қаҳрамони қилиб олди. Ошкоралик очган имконларни ўзида мужассам этувчи асарлар ҳақидаги мулоҳазаларимизни дастлаб М. Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романидан бошласак. Негаки, бу асар қизғин баҳсу мунозараларга сабаб туғдирди. Адабиётшунослар, мунаққидлар «Лолазор»ни ижобий баҳоладилар: «романни жилмайиб йиғланган дард изҳори сифатида ўрганмоқ керак... Негаки ОЛОМОНДАН ХАЛҚҚА (таъкид — Р. Қўчқоровники) айланишга шошилмаётган миллионлаб кишиларнинг ҳозирча англанмаган манфаати устидан кун кўраётгани «Лолазор» романининг асосини ушлаб турган ғоявий ва бадиий ҳукмдир» (Р. Қўчқоров); «роман шахснинг емирилиши ҳақидаги муайян бир давр воқеалари билан безалган тадқиқот» (Ш. Ризаев) деб ҳам таърифладилар. «Жилмайиб йиғланган дард изҳори», «оломондан халққа айланишга шошилмаётган миллионлаб кишиларнинг ҳозирча англанмаган манфаати» деган жумлалар, назаримда, тумтароқ, баландпарвоз сўзлар қалашмасига ўхшайди. Ҳақиқатда ҳам бу роман ўзининг ўқишлилиги, қаҳрамонлари руҳиятидаги жараёнларнинг, улар кечмиш-кечирмишларидаги саргузаштларнинг бир қадар аниқ, ишонарли чизиб берилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Саҳифалари латифанамо оҳанг билан безалган «Лолазор»ни китобхон зерикмасдан, толиқмасдан ўқий олади. Назар Яхшибоевнинг хотирасида жонланаётган манзаралар баёни, кўз ўнгида рўй бераётган воқеалар нақли ўқувчини, албатта, бефарқ қолдирмайди. Оҳори тўкилмаган, ўқдай тўғри бориб нишонга теккан ўткир пичинг, кесатиқлар, шубҳасиз, киши диққатини тортади. Негаки, «асарда ихтиёрсиз ва табиий кулги билан ўқиладиган саҳналар шу қадар кўпки, уларга мисол келтириб ўтиришнинг ўзи ортиқча» (М. Олимов «Ёшлик», 1989, № 3). Шундай бўлса-да, романнинг мана бу жойларини бир кўздан кечирайлик: «Яхшибоев эътибор берса, хотини гапираётган экан. Англадики, буткул бегона гаплар, шунчаки ғийбат, турган битгани ғийбат, хотинларнинг ғийбати, эмишки Ҳайбатулло қизини мажлисга элтибди, уни залда қолдириб, ўзи минбарга чиқибди, лекин аҳли машварат ер тепиниб сўзлагани қўймабди, Ҳайбатулло ғазабланибди, қизи уялибди, уялганидан қочиб чиқибди, чиқиб ҳўнг-ҳўнг йиғлабди, шармандалик, дебди, энди қандай бош кўтариб юрамиз?..

— Кимнинг бошини?— деб сўради Яхшибоев.— Ўзининг бошиними ёки отасининг бошиними?»

Бу муаллифга тегишли нақл, қуйидагиси эса қаҳрамонга:

«Шу пайт эшикдан суюкли неварам мўралади:

— Бобожон, нормўмин бўлайлик!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Майли,— дедим полга «нортуя» бўлиб чўкка тушарканман.— Лекин келишиб олайлик, Нормўмин — менинг исмим, нортуя эмас, асал қизим.

— Анави куёв амакининг исми нима, бобо?— деб сўради неварам, келиб «нортуя»га минаркан.

Шайтон қитиқладими ё бошқа бир бало доридими, мен эсини еган чол яна бола бечоранинг тарбиясини «бузиб» қўйдим:

— Унинг оти Анқара!— дедим. Шу билан куёвдан қасдимни олгандай бўлдим, етказган ситамлари эсимдан чиқиб кетди, чўккалаб турган жойимда силкиниб-силкиниб кулдим, неварам бечорани йиқитиб қўйишимга сал қолди. Қарасам, неварам бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олиб, менга қўшилиб куляпти:

— Анқара, Анқара!..

Бошқаларга гуллаб қўйишидан чўчиб, секин танбеҳ бердим:

— Анқайма, қизим, йиқилиб кетасан... Анқара — шаҳарнинг номи, тушундингми?

Лекин гапим кор қилса қани, қизалоқнинг баттар завқи ошиб, аввалгисининг ёнига янгисини қўшиб-чатиб ташлади:

— Анқайма, Анқара! Анқаяди Анқара!..»

Мисолдан кўриниб турибдики, муаллиф услуби билан асар қаҳрамони сўзлари ўртасида жиддий фарқ сезилмайди. Бундай жузъий қусурлар асарнинг яна кўп ўринларида билиниб туради.

Таъриф-тавсифлардан ҳам, асардан олинган юқоридаги парчалардан ҳам аёнки, М. Муҳаммад Дўст ўқувчини ўзига ром эта оладиган роман битган. Бу эса ҳазилакам гап эмас. Чунки ахборотлар бўрони кундан-кунга кучайиб турган бир пайтда кўпчилик эътиборини тортадиган роман ёзишнинг ўзи бўлмайди. Шавқ билан ўқиладиган асар яратиш учун А. Қаххор айтганидай, аввало муаллифда «китобхонга айтадиган тўла мағизли ва жуда зарур фикр бўлиши керак». М. Муҳаммад Дўст ҳам Назар Яхшибоев ва унинг дўсти Ошно ҳаётини нақл қилиш воситасида ўқувчига ўзининг «жуда зарур фикрини» айтишга интилади. Бу жуда зарур фикр кўпчиликнинг, жумладан, Й. Солижоновнинг хулосаларига қараганда «турғунлик даври деб аталган йилларда маддалаган иллатларнинг илдизлари, уларни рўёбга чиқарган омиллар, шахслар тўғрисида ишонарли ҳикоя қилинганидадир» (Ўз, АС», 1989 йил, 7 июль). Мунаққид У. Норматовнинг мулоҳазаларига кўра асар қаҳрамонлари «кечаги кун одамлари» (Ўз АС», 1988 йил, 2 октябрь). Танқидчи романга ёзган сўнг сўзини ҳам негадир шундай бошлайди: «Лолазор» романи биз ҳозир юмшоқроқ қилиб «турғунлик даври», «турғунлик психологияси», «турғунлик идеологияси» деб айтаётган, аслида эса жиддий ижтимоий ҳодиса, унинг социал-маънавий илдизлари, кўнгилсиз оқибатлари, қонли ва қонсиз фожиалари ҳақида баҳс этади». Муаллифнинг ўтган даврга, унинг одамларига истеҳзо, киноя ва муносабатда бўлганини бу даражада мақташ, унга фазилат сифатида қараш эса, менингча, ҳар қалай тўғри эмас. Чунки бизнинг ўзимиз кечаги куннинг, яъни 30—70, 80-йилларнинг одамлари бўлмасдан кимиз? Қолаверса, турғунлик даври деб лаънатланаётган ўша кечаги кундан турмушимиз бугун дурустроқ бўлиб қолгани йўқ. Рўзғор ташвишлари ҳаммамизни кунба-кун баттарроқ қисиб қўймоқда. Дўконлар пештахтаси қуп-қуруқ бўлиб бораяпти. Чайқовчилик авж олаётир. Нарх-наво кўтарилмоқда. Қимматчилигу қаҳатчилик кун сайин кучаяпти. Шундай экан, бу асарга бошқача мезонлар билан ҳам ёндашиш керакка ўхшайди. Назаримда, бу асар аввало қаҳрамонлар кечмиш-кечирмиши баёнию уларнинг суҳбатлари, ички мушоҳада-ўйларига киши эътиборини жалб қиладиган латифанамо оҳангни сингдириб юборганлиги жиҳатидангина қизиқарлидир. Роман қаҳрамонларининг ундай-мундай киши хаёлига келмайдиган бу тарзда қитмирона мушоҳада қилишида, чимдиб-чимдиб киноя сўзлашларида айнан М. Муҳаммад Дўст қаламига хос бўлган хат ёркин билиниб туради: «Эҳтиёткорлик Ошнога ярашади, анави ғўзашунос Шоймардоновга ярашади, негаки, ғўзашунос ҳам аслида сиёсатчи, бўлмаса, ўша йилларда бошқа миллат вакилига уйланиб, Клавани Комилага айлантириб, ўзини Искандардан Александрга айлантириб олармиди? Аралаш никоҳ эди бу. Сиёсат ва қўрқув аралашган никоҳ. Янгича Комилаю янгича Александрлар юртимизда кўп, ажабсинадиган жойи йўқ, лекин ғўзашунос чолнинг эллик олтинчи йилга келиб Комилани яна Клавага айлантириб, қўлига яна талоқ хатини бергани-чи? Ўзининг исмини ҳам яна қайтиб «Искандар» қилиб олди, лекин халқ барака топсин бу халқ эсда сақлаб қолган экан — ҳали-ҳануз Александр Шоймардонович деб атайди». Ёзувчининг мана шундай услуби — фавқулодда топқирлиги, нозик кузатишлари, пичинг тўла нақли асарга жозиба бахш этади. Романнинг «турғунлик даври иллатларини очиб кўрсатгани, ўша пайтдаги раҳбар, амалдорларнинг қиёфасини ишонарли ҳикоя қилгани» эса аслида чин адабиётга хос сифат ҳам бўлолмайди.

Юқорида айтилганидек, ошкоралик туфайли узоқ вақтлар яшириб, сир тутиб келинган ҳақиқатлардан воқиф бўлаяпмиз. Лекин, негадир ҳақиқатларни билганимиз сари яқин ўтган йилларга беписандлик билан қарашга ўрганиб қолаяпмиз. Бу «Лолазор»да ҳам акс этган. Мисол тариқасида асар иштирокчилари исмларига бир эътибор беринг: Ошно — Хорунчик — Хорун Калонов, Катта Пахтакор, Чоршанби... Қаҳрамонларни киноя номлашу уларнинг кечмиш-кечирмишларини пичинг билан нақл қилишда маҳоратини намойиш қилган муаллиф негадир Назар Яхшибоев, Ошноларнинг қисматини белгилашда жамиятнинг ҳукмрон сиёсати ҳам сабабчилигини эътибордан четда қолдиради. Улар, аслида, тузумимиз меваларидир, маъмурий буйруқбозлик усули шахс эркини чеклаган мамлакатнинг кўнгли озурда кишиларидир. Чунки бошқаларгина эмас, муаллиф Ошно — Хорунчик — Хорун Калонов деб масхаралаб ном берган масъул раҳбар ҳам ўз истаганича яшай олмайди. Унинг инон-ихтиёри, кўнгил майли эркин эмас, занжирбанд. Унинг бирда дўстига: «Энди сен гапга тузукроқ қулоқ сол, сен Муҳсинасиз яшашинг мумкин, лекин мен Муяссардан воз кечолмайман, Муяссар Муҳсинадан воз кечолмайди, мен сендан воз кечолмайман... бу ёғига чидайсан, жўра... кўриб турибсанки, бу ҳалқани узиб бўлмайди...» дейиши занжирбанд дилнинг иложсиз ҳолатини аниқ ифода этади. Яхшибоевнинг кечинмаларида бу ҳолат янада кучлироқ бўлиб кўринади: «Хотинми шу, фарзандми шулар, қузғун-ку, ўлаксахўр! Пойлаб туришибди-ку! Тезроқ ўлақолмайсанми, ўртоқ Яхшибоев?.. Меҳрни пулга сотиб олганингдан кейин юришдан не мурод?..» Шахс эркига тушов солган ғойибона тўсиқлар боис улар юртни лолазорга айлантиролмасликлари табиий. Булдуруқ деган чекка бир қишлоқдан чиққан, жумҳуриятнинг масъул раҳбарлигига кўтарилган Ошнонинг бутун ўлкани ободонлаштиришни ният қилгани, кўнглидан кечиргани,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уни амалга оширишга қурби етмаганидан баъзан қийналгани табиий. Афсуски, биз романда бундай табиий ҳолатлар тасвирини кам кўрамиз. Улар ўрнини латифанамо кечмишларнинг пичинг, кесатиқ оҳангига ўралган нақли, баёни эгаллайди. Қаҳрамонлар қисматидаги чигалликлар, уларнинг истак, интилишлари жамият тартибидаги норасоликлар билан узвий боғлиқ тарзда асар жанрига хос кўламли тадқиқ этилмаган. Бу эса фақат «Лолазор»нигина эмас, балки замонавий мавзудаги барча романларимизни мажруҳ этиб келаётган касалликдир. Аёнки, бундай романлар тарихий романлар сингари муваффақият қозонолмаяпти. Чунки уларда қаҳрамон тақдиридаги зиддиятларга жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳам катта таъсир кўрсатаётганлиги атрофлича тадқиқ қилиб берилмаяпти. Замонавий асарларда қаҳрамонлар фожиаси уларнинг шахсий ожизликларига боғлиқ кўрсатилмоқда. Замондошларимиз қисматида қандай чалкашлик рўй берса, у қандай кўргиликка дуч келса, қанақанги хатоларга йўл қўйса бунга фақат унинг ёлғиз ўзи айбдор, феъл-атворидаги қусур сабаб, деб уқдирилади. Бир сўз билан айтганда, ҳаётимиздаги жамики норасоликларга баъзи бир кимсалар асосий сабабчидир, дейиш айрим асарларнинг асосий хусусияти саналади.

«Жимжитлик», «Унутилган соҳиллар» романлари ҳам «Лолазор» сингари бу камчиликлардан бенасиб қолмаган. Яъни, мазкур асарлар қаҳрамонлари: Мирвали, Раҳимов, Ғофуровлар салбий сифатлар йиғиндисига айлантириб қўйилган. Натижада асарни ўқиганинг сари эл бошида турган, мазкур лавозимларни эгаллаган кишиларнинг ҳам бирор арзирли ижобий фазилати бормикин ўзи, дегинг келади. Турғунлик йилларида совхоз директори, райком котиби ва ундан юқори лавозимларда ишлаганларнинг кўнглида ҳам «элимга яхшилик қилай» деган бирор бир ният бўлгандир, ахир, деб ўйлайсан. Беихтиёр туғиладиган шу сингари саволларга жавоб тополмаганидандир Й. Солижонов «Жимтитлик»даги қаҳрамонлар омонат тургандек, «пуф» десангиз учиб кетадигандек таассурот қолдиради», деб айтади. («Ўз. АС», 1989 йил, 7 июль). Танқидчининг «пуф» десангиз учиб кетадигандек таассурот қолдиради, дейишига сабаб шуки, романнинг бош қаҳрамони нуқул бир рангда — қора бўёқда чизилади. Яъни, муаллиф совхоз директори Мирвалини золимнинг золими, фирибгарнинг фирибгари, бузуқнинг бузуғи сифатида талқин қилади. Бундай бирёқлама талқиндан асосий мақсад эҳтимол, турғунлик йилларидаги баъзи бир амалдорларнинг чиркин кирдикорларини фош этиб ташлашдир. Аммо адабиёт аллақандай расво кимсаларнинг ярамасликларини бир образга жамлаш орқали эмас, балки қаҳрамоннинг инсон сифатидаги фазилати, ожизлигини кўрсатиш воситасида ҳаётнинг аниқ манзарасини чизиб бериши керак. Афсуски, «Жимжитлик»да қаҳрамоннинг қалб драмаси кўрсатилмайди. Тажрибали романнавис Мирвалини инсоний иллатлар билан «безайди». Аммо муаллиф қаламга олган талайгина ҳодисалар, тўқнашувлар, айтайлик, Мирвалининг хуфёна ишратхонаси борлиги, у ерга Жайронанинг тушиб қолиши, қутилиб чиқиши, Эрали чавандознинг ҳаёти ҳақидаги уйдирмалар барибир дидли ўқувчини ишонтирмайди. Айни чоқда, ўқувчи мирвалиларнинг ҳаётда романдагидан кўра ақллироқ, кув, устомонлигини ҳам яхши билади. Чунки ошкоралик мирвалиларнинг сир-сифатларини кенг очиб ташлади. Ва айни чоқда шу ошкоралик тузумимиз табиати, хўжаликни бошқаришдаги камчиликлар, сиёсатимиздаги иллатлар хусусида ҳам очиқ-ойдин мулоҳаза юритишга, танқидий фикрларни бемалол айтишга катта имкониятлар берди. Чунончи, Октябрь воқеалари, босмачилик ҳаракати, колхозлаштириш сиёсати ҳақидаги асл ҳақиқатлар рўёбга чиқмоқда. 30-йиллардаги очарчилик, қирғин-қатағонлар ошкор бўлди. Мамлакатни маъмурий-буйруқбозлик асосида бошқариш одамларни нафақат моддий, балки маънавий-сиёсий жиҳатдан ҳам қашшоқлантириб қўйгани кескин танқид қилинмоқда. Афсуски, ошкоралик очаётган ҳақиқатлар моҳиятини биз ҳали тўла англаб етганимиз йўқ. Шу сабаб бўлса керак, ижтимоий ҳаётимиздаги камчилик, қусурларнинг сабабларини нуқул айрим амалдор, мансабдорларнинг кирдикорлари билан боғлаш, изоҳлашдан нарига ўтилмаяти.

Бундай заифликлар Н. Қобулнинг «Унутилган соҳиллар» романида ҳам бўртиб туради. Мазкур асар ўқувчи билан биринчи шахс тилида «гаплашади». Ҳикоячи Нурзод ўзини, Усмоновни ҳалол, покиза, эзилган, жабрдийда қилиб кўрсатиш учун жумҳуриятнинг масъул раҳбарини лаънатлайди, унинг шуҳратпараст бўлганини, атрофига лаганбардорларни тўплаб олганини баён этади. Лекин у масъул раҳбар ва унинг атрофидагиларнинг ярамасликларини қанчалик сўзламасин, китобхон жабрдийдаларга ачинмайди, айбдорларга эса лоқайдлик билан қарайди. «Унутилган соҳиллар»нинг бундай лоқайд кайфият ҳосил қилишига сабаб унда ҳодисаларнинг янги қирралари очиб кўрсатилмаганидадир. Й. Солижонов: «ёзувчининг эсига нима келса баёнга тиқиштираверган: ўзи ҳикоячи бўлганидан кейин нимани истаса гапираверган, оқибатда Нурзодни бачканалаштириб қўйган», деб хулоса чиқарадики, бунга қўшилмасдан бўлмайди («Ўз. АС». 1989 йил, 7 июль). Чунки роман-монологда мана бу тарздаги баёнчилик устивор: «Улар Тошкентда туриб, областда бошбошдоқлик вазиятини вужудга келтиришди. Охир-оқибатда мен республиканинг масъул раҳбари Ғофуров олдига ариза билан кирдим. Биз очиқ ва ёмон оҳангда гаплашдик. У одам менга кўп гапирди. Гапининг мазмуни ўзим тарбиялаган эдим, болоқдаги бит эдинг, энди бошга чиқмоқчи бўляпсанми? Овора бўлма, мен тирик эканман, бунга йўл қўймайман, деган маънода эди» («Унутилган соҳиллар», 48-бет); «...Маънавий бойлиги йўқ одам албатта моддий бойлик томон интилади. Бунинг ҳаммаси лозим даражада саводли ва маданиятли эмаслигимиздадир. Айрим зиёлиларимиз эса Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Форобий, Навоий ва Улуғбекни етиштирган халқ албатта ақлли ва маданиятлидир деб ўйлашади. Йўқ, халқнинг бугунги ақл-идроки ва фаҳм-фаросати, маънавий даражаси ўтган буюкларнинг бўйи билан ўлчанмайди. Беруний башорат қилган Ер шарининг ярми Америго Виспуччи билан Христофор Колумб ҳисобига ўтиб кетганидек, бир киши оғган кашфиётни ундан кейинроқ бошқа одам ҳам очиши мумкин. Агар сен тараққиётнинг чўққисига чиққан бўлсанг, буюкларингни бугун бер. Мана, халқлар беряпти-ку, Айтматов, Маркес, Вознесенский, Евтушенко, Карпов, Каспаров... Биз эса Ҳабиб Абдуллаев, Абдулла Қаҳҳор, Ботир Зокиров ва Абдулҳақ Абдуллаевдек бутун одамларни қадрлаш нари турсин, ҳурматини жойига қўйишга ҳам ярамадик. Сохта улуғларимизнинг эса эрта-индин ёки бўлмаса устига тупроқ тортилгандан сўнг чуви чиқади» (53-бет).

Кузатишлардан кўриниб турибдики, «Жимжитлик» ва «Унутилган соҳиллар»да ҳаёт ҳақиқати етарли даражада бадиий ҳақиқатга айланмай қолган. Биламизки, бадиий ҳақиқат ҳаётда содир бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг шунчаки иншо этилиши эмас. У воқеликни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар жиҳатдан тадқиқ қилиш, унинг ички мураккабликларини, зиддиятларини кўрсатиш, кишилараро муносабатлар, муросасиз тўқнашувларни ўқувчи кўз ўнгида ишонарли гавдалантириб беришдир. Табиийки, бунинг учун ижодкор ўзи қаламга олаётган оламнинг, қаҳрамонлар ички дунёсининг тадқиқотчиси ҳам бўлиши керак. Агар «турғунлик даврини фош қилувчи» романларда мана шундай тадқиқот етакчилик қилганида эди, мирвалиларнинг урчиб-унишига, кўнгли тусаган номаъқулчиликларни амалга оширишига имкон берган шароит, муҳит — ҳаёт тарзимиз ҳақида ҳам танқидий ўй-мушоҳадалар ўз аксини топган бўларди. Адибларимиз нега жамиятда жимжитлик ҳукм сурди, юртимиз нега лолазорга айланмади, нима учун одамларимиз ўртасида карахтлик касаллиги авж олди, порахўрлик, қўшиб ёзишларга фақат айрим кишиларнинг шуҳратпарастлиги сабаб бўлдими, мирвалилардан жабр кўрганлар нега уларга қарши кураша олмадилар, исён қилмадилар, деган саволларга ижтимоий воқелигимизнинг ўзидаги зиддият, қусурларга диққатни қаратиш воситасида жавоб беришга ҳаракат қилган бўлардилар. Афсуски, ҳодисаларнинг ана шундай пинҳон, ҳали кўпчилик англаб етмаган ички сир-жумбоқларига ижодкорона назар ташланмагани ўз мевасини берган. Яъни «Жимжитлик», «Унутилган соҳиллар» насримизни безайдиган асарлар даражасига етмай қолди.

Демак, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги янгича ўзгаришларнинг шарофати билан битилган ҳар учала романнинг қиёфаси шундан далолат берадики, насримиз ошкоралик очган имконлардан ҳали етарлича фойдаланган эмас. Уларда айрим амалдорларнинг фақат кирдикорини персонажларга кўчириб қолиш устивор. Бу чекланиш эса ҳар уч асарни мавсумийлаштириб қўйган. Ошнолар, мирвалилар қанчалик қабиҳ бўлмасин, ўзбекнинг меҳнати камситилаётганини, бойликлари талон-торож қилинаётганини... шубҳасиз ўйлаган. Бу — табиий. Лекин бундай муаммолар талқини ўрнига мана бу тарздаги тавсифлар китобхон учун нима беради: «У орзу қилган ҳамма ниятларига етди. Энди биттагинаси қолди. Учинчи «Олтин Юлдуз»ни тезроқ ола қолсайди...» «Уйида бирон нимадан диққат бўлиб қолса, иш кабинетига кириб оларди-да, эшикни беркитиб, дилини ёзиш учун столга ҳамма орденларини териб томоша қиларди. Мана, еттита Ленин ордени. Шунчасини на маршал Жуков, на Рокоссовский, на Хрушчев олган. Мамлакатда еттита Ленин орденини олган шу Раҳимовнинг ўзи эди. Қўш «Олтин Юлдуз», Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, Ҳурмат Белгиси...»

Учқун Назаровнинг «Чаён йили» романи ҳам адиб ҳаётимиздаги муаммолар ҳақида очиқ-ошкора ёзишга ўтганидан, турмушдаги фожиаларни дадил қаламга олишга интилганидан далолат беради.

«Чаён йили»ни ўқиган китобхон, шубҳасиз, ота-боболаримизнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ночор, ғарибона турмуши манзараларини кўради. У йилларда «нон — худо, ош — пайғамбар бўлиб, одамлар очликдан кунжара еб, шишиб ўлган эди», дейдиган кексаларнинг гапига беихтиёр ишонади. Шу пайтгача ўқиган дарсликларида, китобларида, кўрган киноларида уруш давридаги азоб-уқубат, мавжуд ҳақиқат рўй-рост айтилмаганини хаёлидан ўтказади. Чунки муаллиф Ойнисанинг аччиқ ҳаёт йўлини ҳикоя қилиш, Мунис опанинг ночор рўзғори манзарасини чизиш, Заҳронинг қайғули қисмати билан таништириш орқали ўша йиллардаги фожиаларни таъсирли лавҳаларда гавдалантириб беради. Романдаги воқеалар билан танишаётиб, ҳаёт мураккабликларга тўлалигига кишининг ишончи орта боради. Негаки, Ойнисага, Заҳрога ўхшаган минг-минглаб одамлар амал-тақал қилиб кун кечираётган бир пайтда Муродхўжа хонадонидагилар егани олдида, емагани ортида бўлиб яшагани, барча бирдай «қачон уруш тугар экан», деб қон қақшаб турганда Ҳошимжоннинг «илоё, уруш тугамасин-да, ишқилиб», деб ташвишланишлари турмуш қарама-қаршиликларини ифодалайди.

«Чаён йили»нинг марказий қаҳрамонларидан бўлган Муродхўжа «теваракни ёв олсин, уй ичим омон бўлсин», дейдиган худбин киши. Чунки у очлик, қаҳатчилик, қимматчиликдан қийналган одамларни устомонлик билан ўзи учун мўмай даромад топиш манбаига айлантиради. Заруратдан зор қақшаб, ундан кўмак сўраганларни зулукдан баттар сўради. Бунга ҳам қаноат ҳосил қилмасдан ўзи каби фирибгарлар билан бирлашиб хуфёна калиш, совун, тамаки цехлари очади. Шундай ҳаром-ҳариш йўллар билан ҳисоб-китобсиз бойлик орттирган Муродхўжани ҳаёт аёвсиз жазолайди: қизи шарманда қилади, ўғли йўриғига юрмайди, ўзи арзимас бир сабаб билан касалликка чалиниб, оёғидан ажралади, шу дарддан куни битади.

Бироқ турмушнинг мана шундай қарама-қаршиликларга тўлалигини, уруш йилларидаги изтиробли аҳволни очиқ-ошкора акс эттирган мазкур асарда ҳам анчагина жиддий қусурлар кўзга ташланади. Уларнинг энг асосийси асардаги сюжет йўналишлари нотугал, тўмтоқ бўлиб қолганлигидир. Ана шу меъёр бузилганлиги оқибати ўлароқ баъзи қаҳрамонлар тақдири ойдин чиқмаган. Шунинг учун улар эсда қоларли даражага кўтарилмаган. Ҳатто Ойнисанинг «халқ душмани»га яқин бўлганлиги туфайли узоқ, нотаниш жойларга бадарға қилинган пайтдаги ҳолати, кайфияти кўп ўринларда шунчаки баён этиб ўтилади. Ўқувчи Ойнисанинг урушга кетган эри тақдири ҳақида ҳам бирор-бир маълумотга эга бўлолмайди.

«Чаён йили»нинг эътироз туғдирадиган яна бир ўрни борки, унга тўхталмасдан илож йўқ. Маълумки, Муродхўжа этиги ичидаги мих бошмалдоғини тешиши туфайли касалланади ва тузалмасдан ўлади. Лекин бу ҳолат шунчаки йўл-йўлакай айтиб кетилгани учун бу тасвирга у қадар ишониб бўлмайди. Тафсилотларни бир кўздан кечириб чиқайлик: «Муродхўжа ака эрталаб янги хром этик кийиб чиқиб кетди... Унга ўша куни кўп юришга тўғри келди. Идорасига қарашли деярли ҳамма шохобчаларга, артель цехларига, хомаки моллар етказиб берувчи омборларга борди, бирон жойга тўхтаб бошмолдоғига қадалган михни олдириб ташлаш имконияти бўлса-да, ўзига эп кўрмадими, ялқовлик қилдими, хуллас, кечга томон оқсаб қайтди... Этикнинг ўнг пойига қоқилган михча бошмолдоғининг тирноғи ёнидан ўйиб кирган, оҳор пайтавасининг учи жиққа қон эди...» («Шарқ юлдузи», 1989, 10-сон, 28-бет). Кичкина бир зирапчанинг заҳри қанча бўлиши маълум, Муродхўжа қандай қилиб михча етказган азобга чидади экан? Кун узоғи қандай юрди экан? Романда «янги пайафзал биринчи кунлари доим эгасига маълум қийинчиликлар келтиради. Бировнинг оёғини сиқади, яна бировникини қадоқ қилади, кимнингдир товонини тилади», деган изоҳ бериб ўтилади. Лекин «ким янги пойафзалнинг михчаси бошмолдоққа санчилиб турса кун узоғи юра олади?» деган савол олдида бу изоҳ жуда ожизлик қилиб қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаёт ҳақиқати эса ҳар бир ҳодисанинг шундай эътирозларга ўрин қолдирмайдиган даражада асослаб берилишини тақозо этади. Албатта, бу жуда алмисоқдан қолган гап. Аммо ана шу ҳақиқат ошкоралик ҳавосини олган асарларда етарлича намоён бўлмаётгани афсусланарлидир.

Ошкоралик шамоли илгариги бекик мавзулар қопқасини очиб ташлади. У адибларга дардли фикрларини тўкиш учун кенг фаолият, мушоҳада майдонини яратиб берди. Баъзи адибларимиз ўз асарлари ўқишлилигини ошириш, кўпминг сонли китобхонлар оммаси эътиборини жалб этиш учун қаҳрамонларини бепарда сўзлатиш, шаҳвоний хатти-ҳаракатларини яланғоч, қуруқ баён этиш йўлини тута бошладилар. Афсуски, бундай манзаралар бадиий мантиқ силсиласига ўринлию ўринсиз киритилмоқда. Баъзи асарларда шаҳвоний лавҳалар киши табиатидаги ярамасликларни очиш учун ишлатилса, айримларида нега киритилганини тушуниб етмайсан. Лекин ҳар иккисида ҳам нафосат етишмайди. Ана шу боис бундай асарлар маърифатли китобхон учун жўн, бачкана туюлади. Муаллифларнинг ўз асарларида топган нозик кузатишларини чипакка чиқаради.

«Нурбек уни авайлаб ўз оғушига олди ва сарғиш сочларини мулойимлик билан силаб, ўпа бошлади.

— Қўйинг!... Қўйсангиз-чи!..— деди қўрқиб, зорланиб қиз, кейин... кейин ўзига бўйсунмайдиган аллақандай сирли, аллақандай тотли бир куч таъсирида — бутун вужуди енгиб бўлмас ширин бир истак билан ёниб, йигитнинг қучоғига сингиб кетди...

Кутилмаганда Ширин:

— Нима қилиб қўйдим ўзи, нима?! — дея ҳўнграб йиғлаб юборди.

Шундагина бирдан Нурбекнинг вужудини қўрқув чулғади:

— Нима қилиб қўйдим ўзи?!— деди,—ҳали ўн саккизгаям тўлмаган-ку! Унинг ранг-рўйи мурданикидай бўзарди ва таҳлика ичида қотиб қолди. Сўнг алҳол ўзини овутди,— ўзимни тиёлмадим... Аслида ким гулни узмайди?.. Майли, мен узмадим, дей, бироқ бошқа узиб кетади-ку» (Мамадали Маҳмудов. «Қора дўлана» қиссаси «Ёшлик», 1989, № 1, 7-бет).

Табиийки, бу хил «ўзига хос» сифат, хусусиятга эга бўлган асарлар жиноятчи раҳбарлар ва ўғрилар, фоҳишалар ҳақидаги мақолалар сингари китобхонлар эътиборига жуда тез тушаяпти. Ҳатто эҳтиром тўла мактублар битилмоқда: «Бу қисса менда жуда катта таассурот қолдирди. Қиссадаги Нурбек Шириндек содда, меҳрибон қизнинг қадрига етмай, уни аро йўлда қолдириб кетади...» «Қиссани бир мен эмас, барча оила аъзоларимиз ҳам ўқиб, қаттиқ таъсирланишдилар. Билсангиз, шундай кишилар борлигидан ҳайратда қолдик. Наҳот, кишиларимиз шундай қабиҳликка бориб етсалар? Аммо қиссанинг охири нима билан тугаши аниқ бўлмай қолган. «Қора дўлана»нинг давоми борми? Ширин ҳаётда ўз йўлини топа оладими?» «Нурбек наҳотки шунча қаллобликлар қилиб жазосини топмаса? Биз, мухлислар Нурбекнинг жазо тортишини, Ширинниng шунча азоб-уқубатлардан кейин ёруғликка чиқишини жуда-жуда истардик. Илтимосимиз, М. Маҳмудов қиссани давом эттирсалар. Шунча ёвузлик қилган одамлар ахир сувдан қуруқ чиқиб кетаверадими?»

Хўш, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида (1990 йил, 26 январь) босилган ўқувчиларнинг шу фикрларига асосланиб, «Қора дўлана»ни ҳар жиҳатдан баркамол асар деса бўладими? М. Маҳмудов мазкур асарида замондошларимиз қиёфасини, ҳаётимизни санъаткорона маҳорат билан тадқиқ этиб кўрсатганми? Менингча, йўқ. Негаки, юқорида айтганимиздек, санъаткорлик ҳаётнинг ҳали ҳамма англаб етмаган, атрофдагилар эътибор бермай келаётган қарама-қаршиликларини кўрсатиш, ҳодисаларнинг моҳиятини, инсон руҳиятининг мураккабликларини очиш ва шу орқали энг дидли китобхоннинг турмуш тўғрисидаги таассуротларини теранлаштириш, киши қалбининг нозик тебранишларидан воқиф этишдир. М. Маҳмудов қиссасида эса бунақа сифат сезилмайди. «Қора дўлана»да ниҳояти муаллифга мактуб битган ўқувчилар савиясидагиларни ҳаяжонлантирадиган яланғоч манзаралару бузуқлик йўлига кирган кимсаларнинг кирдикорлари баёни мавжуд, холос. Яъни, асарда ўқувчилар таърифлаганидек, қаллоб, устомон Нурбекнинг соддадил, ишонувчан қишлоқдоши Ширинни алдаб, бадном қилиши, буям етмагандай бир бечорани совхоз директорига ҳамда ўз отасига (?) қўшиши сингари разолатлар ҳақида сўз юритилади.

Разолатлар, бузуқликлар, фаҳш ишлар баёни бўлган мазкур қисса ҳақида танқидчилар бир-бирига бутунлай тескари муносабат билдиришди. Профессор О. Тоғаев «Қора дўлана»ни ижобий баҳолаб, жумладан бундай дейди: «Ёзувчи мешчанлик иллатининг келиб чиқиши, унинг ижтимоий-маънавий илдизини очади... Нурбек ҳаёт тарзи, хатти-ҳаракати, дунёқараши, ўзига хос маънавий олами талқинида ёзувчининг ижодий идрок қилиш салоҳиятини, бадиий маҳоратини кўрамиз. Воқеликни руҳий тадқиқ ва таҳлил этишда ёзувчининг истеъдоди намоён бўлган. Руҳий тасвир — қаҳрамонга тириклик бағишловчи восита. Қаҳрамон руҳиятини табиат воситалари орқали очиш маҳорати —«Улмас қоялар» романида, «Боғдон қашқири» қиссасида рўй берган услуб хусусияти «Қора дўлана»да сайқаллашган» («Ўз. АС». 1989 йил, 10 ноябрь). Еш танқидчи Р. Қўчқоров эса: «Асардаги персонажларни «ҳар бири аниқ ғоявий концепцияси ва ўз индивидуал қиёфасига эга жонли образлардир» десак, «Малоҳат моҳиятан Гоголнинг «Уйланиш» пьесасидаги қиз характерини эсга туширади» десак, «Қора дўлана» қиссасини охир-оқибатда Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари!» асаридаги каби шахсиятпарастлик «илдизига етказиб ағдариб ҳайдалган» деб баҳоласак инсофдан бўладими», деб эътироз билдиради («Ўз, АС». 1989 йил, 22 декабрь).

О. Тоғаевнинг «Мешчанлик — тўрачилик фарзанди» мақоласида «Қора дўлана» ҳақиқатан ҳам анча ошириб мақталган. Бу эса асосли эътироз уйғотади.

О. Тоғаевни аёвсиз танқид қилган Р. Қўчқоровнинг «Эшим зўрнинг шунча пул топишга етган ақли қизини бадном қилиб алдаган Нурбек уни ҳам алдаши мумкинлигига, ўзининг тубан ҳирсини қондириш учун Жиззахдан атай марказга келиш шарт эмаслигига етмабди-да», дейиши эса тўғри эмас. Чунки ҳаётда Эшим зўрга ўхшаганлар ҳам ақлли, устомон бўлгани билан баъзан билиб-билмай алданиши, Нурбек сингари қаллоблар томонидан чув туширилиши мумкин. Ҳаёт бу хил тасодифий ҳодисалардан холи эмас. Теварак-атрофимизда қандай разолатлар рўй бермаяпти, дейсиз. Ҳаёт, албатта, ҳар бир кишининг қилган қилғиликларига қачон бўлмасин муносиб жавоб қайтариши, қасд олиши аён. Айниқса, фаҳш кимсани ҳаёт ҳеч қачон кечирмайди, у албатта жазо топади. Шунинг учун ҳам Эшим зўрлар ҳаётда бундай қилмайди, унинг «шунча пул топишга етган ақли қизини бадном қилиб алдаган Нурбек уни ҳам алдаши мумкинлигига етмайди» деб тортишишнинг ўзи ноўрин. Албатта, асарда бу ҳодисаларнинг қай даражада ишонарли гавдалантириб берилган-берилмагани хусусида бемалол баҳс қилиш мумкин. Биз ҳаётнинг ўзи хусусида, ундаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳодисалар ҳақида гапириш билан адабий асардаги воқеаларнинг ҳақиқий ёки сунъийлиги хусусида баҳс юритиш бошқа-бошқа эканлигини фарқлаб олишимиз керак. Чунки ҳаёт кенг, тасодифларга тўла. Ҳеч ким уни ўз ҳоҳиш-истагига мувофиқ идора қилолмайди. Турмушда кутилмаган, ўйламаган, баъзан кишини ҳайратга солиб қўядиган, ишониш қийин бўлган ҳодисалар рўй беради. Шундай экан, асарларга муносабат билдирганда масаланинг шу хил мураккаб жиҳатларини эътибордан соқит қилмаслик жоиз. Ҳар қалай, «йўқ, ҳаётда бундай бўлмайди», деб қатъий ҳукм чиқаришга шошилмаганимиз маъқул.

Катта адибларнинг асарларини ўқиганингда қаламга олинаётган воқеаларнинг реал ҳаёт бўлиши мумкин-мумкин эмаслиги ҳақида бош қотириб ўтирмайсан. Чунки улар сени ишонтиради, кўз ўнгингда гавдалантиради. Масалан, «Асрга татигулик кун» романининг дастлабки саҳифаларини ўқиётганингда қаршингда ёмғир ёғиб ўтган кенг дала, бош адоғи кўринмас темир йўл, ҳар жойҳар жойда қўққайган симёғочлар намоён бўлади. Темир йўл изларининг гоҳ у, гоҳ бу тарафига югуриб ўтаётган, бирор егулик топиш ташвишида изғиб юрган тулкини кўргандай бўласан. Ёки Л. Толстойнинг «Уч ўлим» ҳикоясидаги бут ясаш учун чопилган дарахтга ичингдан ачинасан, унинг нобуд этилиши яқин кишингдан ажралиш даражасида тасвирланганидан ҳайратда қоласан.

Ёш адиб А. Саидовнинг «Райҳон иси тутган ҳовли» қиссаси ҳам талабчан ўқувчида илиқ кайфият уйғотади. Лекин муаллиф қаҳрамони қисматини баён этишда сергапликка берилган. Аппон чолнинг ўлишга қарор қилганини, ўзига гўр қаздирганини, ҳамманинг айби-қусурини шартта-шартта бетига айтишга одатланганини, унинг қалби бечора одамларга ачиниш, аждодларимизга чексиз ҳурмат билан тўлиб-тошганини бот-бот қайтараверади.

Мазкур қиссада ҳам худди «Қора дўлана»даги сингари фаҳш яланғоч тарзда қаламга олинади:

«— Кўрпачани бу ерга қачон опкеб улгурдингиз, Бўри ака?

— Хашаклар орасига яшириб қўювдим.

— Хашаклар орасига?

— Ҳа. Айтмоқчи, қўлингдаги нима, Салтанат?

— Патир. Сизга опкелдим. Сизниям оғзингиз тегсин, дедим.

— Раҳмат, жоним...

— Мана шу учрашувимизни деб каллаи саҳарлаб хамир қоришга тушибман!

— Намунча ўзингни уринтирмасанг?

— Унақа қилманг, Бўри ака, қитиғим келяпти.

— Қанақа қилай?

— Э-э, ўлинг-е! Бўйнимда қитиғим борлигини айтаяпман. Дарров эгри томонга бурасиз-а!..»

Лекин муаллиф ўз асарида бу хил шармсизликларнинг илдизлари ҳақида тўхталмайди. Бўривой ва Салтанат сингарилар қанақанги таъсирлар туфайли урчиб-унаяпти? Ҳаётимизга бундай ярамас иллатлар қаердан кириб келяпти?— деган муаммолар очиқ қолдирилади, юқоридаги манзара нега асарга киритилгани ойдинлашмайди. Аппон чол сингари имон-эътиқодли кишилар турмушимизнинг бу оғриқлари ҳақида ўйламаслиги эса мумкин эмас. Чунки бугун жамики диёнатли одамлар таомил, урф-одатларимизнинг қадрсизланаётгани, поймол бўлаётгани ҳақида куйинишяпти. Қайсидир бир ярамасларнинг таъсирида одамларимизда шарм-ҳаёнинг йўқолиб бораётганидан қайғуришяпти. Айримларнинг ахлоқан тубанлашиб кетаётганлигининг асосларини очишга эса қабристонда (!) «дон олишиб» юрган Бўривой ва Салтанат воқеаси бемалол имкон берар эди. Афсуски, бу имкондан муаллиф фойдаланмаган.

Ўз-ўзидан аёнки, адибларимиз ошкоралик нафаси билан ўқишли асарлар битишяпти-ю, аммо унинг имконларидан етарлича фойдаланишмаяпти. Яъни, улар маънавий турмушнинг, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ботиний жиҳатларини, қаҳрамонлари тақдиридаги чигалликларни ҳар тарафлама ёритишга киришмаяпти. Буларсиз эса вақт синовига дош берадиган, катта адабиётимиз саҳнини безайдиган асарлар яратиб бўлмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

НАВОИЙХОНЛИК

Азиз Қаюмов. Ўлмас сабоқлар 2
Ғафур Ғулом. Хоки мусалло 146
Кўнгил мулкининг султони эдилар. Суҳбат 251

ШЕЪРИЯТ

Эшқобил Шукур. Ибтидо хатоси. Достон 8
Сулаймон Раҳмон. Кўнглингга умид гулин экавер 23
Чори Аваз. Руҳим ҳам сафарга таппа-тахт, ҳозир... 28
Одил Ҳотамов. Ям-яшил майсалар кўтарар исён. 85
Фахриёр. Бу ёғдуда қайга борилур. 87

ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

Қўрқув салтанати фожиаси 71
Нуриддин Муҳитдинов. Хрушчев, Брежнев ва бошқалар 92

НАСР

Набижон Боқий. Қатлнома. Ҳужжатли қисса 33
Рустам Қаюм. Йўқчилик. Туркум ҳикоялар. 18

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Икром Бўрибоев. Дунё, мани бағрингдан қидир... 90

БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Бахтиёр Генжамуратов. Кўнгил дафтаримда сассиз уч нуқта 111

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Озод Мўмин. «Онг» қурилмаси. Фантастик қисса 114

МУШОИРА

Бир поклик сезаман руҳингда 128

ЕДНОМА

Наим Каримов. Битта ўзим биламан... 137

НАВОИЙ ГУЛШАНИ

Завқий, Сотволди Содиқов. Алишер Навоий ғазалларига мухаммаслар 145
ҚУРЪОН 153

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Ҳамид Зиёев. Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги 169
Л. Олимий. Қонли ва оғир — қайғули кунлар 180

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Ҳусайн Бойқаро. Ғазаллар 177

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Оллоберган Худойберганов. Яйловнинг эгаси ким? 185

АДАБИЙ ТАНҚИД

Абдулла Улуғов. Ошкоралик очган имконлар 189

ШАРҚ ЮЛДУЗИ — 60

Тахламларни варақлаб 195
Инобат Нормуродова. Бир даргоҳда ўттиз йил 199

ТАҚРИЗЛАР

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ. Кураш давом этади 202
Тўлқинжон Раҳимов. Файзли ёруғлик 204
Ойбек Раҳим. Умр чархпалаги 205

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 5
Журнал Союза писателей Узбекистана
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1991

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Рассом **Ғ. Алимов** Мусаҳҳиҳ **Ш. Мусаев**

Таҳририятга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Ойномадан рухсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент—П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 6.03.91 й. Босишга рухсат этилди 18.04.91 й. Қоғоз формати 70×108$^{1}/_{16}$. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,25+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 113833. Буюртма 4999. Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент—П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi